


Амалий натижадорлик, инсон қадри “Янги Ўзбекистон” стратегиясининг бош мақсади: Термиз туман ҳокими 2021 йил якунлари ва 2022 йилдаги режалар тўғрисида аҳолига муурожаат қилди



Бугун Халқ депутатлари туман Кенгашининг ўттиз олтинчи сессияси бўлиб ўтди. Сессияда Термиз туман ҳокими Ш.Уриновнинг жорий йилда амалга оширилган асосий ишлар ва 2022 йилда туманни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим йўналишлари бўйича аҳолига муурожаати тингланди.

Сессияда вилоят ва туман Кенгаши депутатлари, туман ҳокими Ш.Уринов, сектор раҳбарлари, туман ҳокимининг тармоқлар бўйича ўринбосарлари, тумандаги ташкилот, корхона ва муассасалар раҳбарлари ва ОАВ вакиллари ҳамда ижтимоий тармоқ фаоллари иштирок этди.

Туман ҳокими Ш.Уринов ўз муурожаатида ҳар бир соҳа бўйича жорий йилда амалга оширилган ишлар ва келгуси йилдаги режалар ҳақида ахборот берди. Муурожаат якунида туман ҳокими депутатларнинг барча саволларига батафсил жавоб берди.

